

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**Актёрлик маҳорати фанидан ўқиш методикаси
(Маърузалар матни)**

“Қўғирчоқ театри санъати” кафедраси

Тошкент 2011

Актёрлик маҳорати фанини ўқитиш методикаси бўйича маърузалар матни
санъат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бакалавриати ҳамда коллежлар
учун мўлжалланган.

Тузувчи: М. Ҳ. Ашурова

Такризчилар: Санъатшунослик доктори,
профессор Т. Б. Баяндиев,
Санъатшунослик фанлари номзоди,
профессор Т. И. Исломов

Кириш

Қўғирчоқ театри санъати бой қадимий тарихий анъаналарига эга бўлган маданиятимизнинг ажралмас бир қисмидир. У ўзининг жозибадорлиги, мафтункорлиги билан воқеликни қўғироқ персонажи орқали баъзида жиддий, баъзида ҳазил, киноя орқали лўнда, равон ҳамда қизиқарли кўрсата билиш қобилиятига эга бўлган бетакрор санъат туридир.

М. Қодиров театр тарихига назар солиб шундай дейди,-“Осиё қўғирчоқ театри-бу шунчаки эрмак ўйин эмас, балки бир китъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фольклори, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий-бадий ҳодисасидир” -деб таъкидлайди. Шундай экан бу санъат тури ўзининг кўп йиллик ривожланиши жараёнида сахнада қўғирчоқ театрининг миллий анъаналарини ривожлантириб, бойитиб, унга янгича сайқал бериб, мустақил санъат сифатида намоён бўлиб келмоқда. Бу санъат тури ўзига хос бетакрор образ яратиш билан бошқа санъат турларидан фарқ қилади.

Қўғирчоқ театри актёри, рассом ва қўғирчоқ устаси томонидан яратилган санъат асарига аста-секин жон бағишлайди. Ўзи тўсиқсиз сахнадан туриб айтолмаган юрак дардини, орзу умидларини, табиат ва жониворларга муносабатини, Она-Ватанига бўлган меҳр-садоқатини, ўзи тўсиқ жонсиз қўғирчоқ орқали баён этади. Бу фақат шу санъат турига хос жонланиш мўъжизасидир.

Қўғирчоқ театри сахнасида жонланиб тилга кирган қўғирчоқ эса, болаларга қанчадан-қанча маънавий озик, завқ-шавқ инъом этади.

Болаларимизни ҳаёт жунбоқлари устида бош қотиришига, гўзаллик, дўстлик, адолат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик туйғуларини, уларнинг юрак-юракларига жо этади. Бир сўз билан айтганда замонавий қўғирчоқ театри санъати Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни дунё қарашини шакллантиришда, Ватанга садоқат, маънавий баркамол ва ҳар

томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашдек энг маъсулиятли ҳамда юксак ишни ўз зиммасига олган бетакрор санъатидир.

Бу жозибадор санъат турининг янада равнақ топиши ҳамда жаҳон қўғирчоқ театрлари орасида ўз ўрнини эгаллаш учун ҳар томонлама етук, юқори маданиятли ўз касбини моҳир устаси, замонавий билимларни эгаллаган, замон талабига жавоб берадиган юқори даражали мутахассисларни тарбиялашдек ўта маъсулиятли иш бугунги кун талабидир.

Шунинг учун олий ўқув юртида тарбияланаётган мутахассисларнинг билим даражаси юзаки бўлмай, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини ташкил қилиши амалдаги таълим-тарбия тизимини бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера оладиган, шунингдек, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот янгиланиш талаблари билан яқиндан боғланган ҳолда бўлиши керак.

Демак, бизда тарбияланаётган мутахассис, яъни замонавий қўғирчоқ театри актёри жисмонан кучли, томонлама етук, замон илм ва ижод талабига жавоб берадиган, актёрлик касбининг турли жанрларида профессионал даражада ишлай оладиган, қўғирчоқ турларини усталик билан бошқара оладиган, болалар ва катталар психологиясини билладиган, тасвирий санъат соҳасида кенгроқ билимига эга бўлган моҳир маҳорат устаси бўлмоғи даркор. Бўлажак мутахассисда бундай характерли хусусиятларни ҳар томонлама тарбиялашда “Қўғирчоқ театри актёрлик маҳорати” фани энг асосий вазифани ўз зиммасига олади.

Бу фан қўғирчоқ театри актёрини тарбиялаш борасида тўртта йўналиш бўйича иш олиб боради:

- 1) Актёрнинг ижод жараёнидаги ўз устида ишлаши (жонли план).
- 2) Замонавий қўғирчоқ турларини ўзлаштириш.
- 3) Актёрнинг ижод жараёнидаги образ устида ишлаши ва унинг хусусиятлари.
- 4) Актёрнинг қўғирчоқ образ талқини устида иши (қўғирчоқ персонажининг пластик ечимлари).

ТЎРТИНЧИ КУРС
VII-VIII БОСҚИЧЛАР

ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИНИ ЯРАТИЛИШИ

1. Рехельс М. “Режиссёр автор спектакля” изд “Искусство” Л. 1982 г.
2. Пўлатов И. Ш. “Саҳна нутқи” “Ўқитувчи” Тошкент 1994
3. Ўзбек педагогика анатомияси “Ўқитувчи” 1995 й.
4. Ойдинов Н. “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар” “Ўқитувчи” Тошкент 1997 й.

Тўртинчи курсда спектакл устида ишлаш мазмуни икки қисмдан иборат бўлади.

1) Диплом спектаклини амалга ошириш учун олиб бориладиган иш жараёни. Бу жараёндаги иш йўналиши профессионал театрда саҳналаштириш учун спектаклга қўйиладиган талаблар асосида кечади.

2) Ўқув ишлаб-иқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш. Бу жараён диплом олди ва диплом спектаклини томошабинларга намоёиш қилишни ўз ичига олади.

Тўртинчи курс талабалари барча фанлардан ўқиб ўрганган билимларини диплом спектаклини амалга ошириш учун сарфлашади. Диплом спектаклида талабалар томонидан яратиладиган ҳар бир образ профессионал театр актёрининг ижодий иши билан тенг бўлиши лозим. Чунки санъат мактабининг бугунги дипломати, эртанги куннинг театр актёри. Шундай экан, диплом спектаклидаги ҳар бир иш, профессионал театрга қўйиладиган илк қадам ҳисобланади. Диплом спектакли профессионал театрининг бутун имкониятларидан келиб чиққан ҳолда саҳналаштирилади. Яъни спектаклни саҳналаштириш профессионал театрдагидек маълум графика асосида олиб борилади. Бу жараёнда талабаларда мустақил ижод қилиш, коллективни ҳис қилиш, уни тушуниш ва бир-бирига ижодий ёрдам бериш хусусиятларини тарбиялаш ҳам диплом спектаклини яратиш жараёнига киради.

Демак, тўртинчи курснинг ўқиш жараёнида амалга ошириладиган диплом спектакли яхши драматургияга ҳамда бой ғояга асосланган мукаммал асар бўлиши шарт. Спектакл замонавий ёки классик асар ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими танланган асардаги персонажлар ҳар хил хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Агар диплом олди спектакли кичик ёшдаги томошабин учун танланган бўлса, диплом спектакли албатта катта ёшдаги томошабинларга мўлжаллаб олинган бўлиши керак. Биз биламизки, кўғирчоқ театри фақат ёш томошабинлар учун эмас, балки катта ёшдаги томошабинларни ҳам хушнуд қилиб келмоқда. Ҳар бир кўғирчоқ театри сахнаси учун танланган асар, ўз томошабинига эга бўлган ҳолда унинг ёшига қараб сахналаштирилади.

I – Маъруза: ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ УСТИДА ИШ ЖАРАЁНИ АДАБИЁТЛАР

1. М. Королёв “Искусство театра кукол”, М. “Искусства”
Ленинградское отделение. 1973 г.
2. М. Ашурова “Кўғирчоқ театри санъатининг актёрлик мактаби”,
Тошкент 2007 й.
3. И. Радун “Путь к сцене”, Ташкент. 1983 г.
4. А. Сайфуддинов “Адабий асар ва ижрочилик мактаби”, Тошкент.
“Фан”. 1980 й

Диплом спектакли устида олиб бориладиган иш жараёни худди 6-босқичдагидек бўлади. Фақат роль тақсимлашга келганда педагог-режиссёр курс талабаларини диплом олди спектаклида ўйнаган ролларига монанд бўлмаган, бутунлай ўзгача характерли персонаж образини яратиши керак. Чунки ўқиш жараёнидаги бир хил йўсиндаги роль ижроси унинг актёрлик имкониятларини чегаралаб қўйишга олиб келади. Бу эса бўлажак актёрни бир қолипга солиб қўяди. Шунинг учун диплом спектаклида талабаларга тўғри роль тақсимлаш иш босқичининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўқиш жараёнида талабалар диплом олди ва диплом спектакларида турли хил, бир-бирига монанд бўлмаган образларни яратиши, унинг келгусида театрда кўп қиррали актёр бўлиб етишувига имкон беради. Актёр битта спектаклда бир нечта образ яратиш имконига эгаллиги қўғирчоқ театрининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бундай ҳолни биз диплом олди спектаклида ҳам қўллаган эдик. Яъни “Сеҳрли кийик” спектаклида талаба С. Шарипова тантиқ, қайсар, эркатой, шоҳ қизи Будур ҳамда бу образга карама-карши бўлган доно, вазмин, ақл билан иш кўрадиган Товус образларини тўлақонли ярата олди. Талаба А. Шамсиев эса “Ёвуз ўргимчак” ҳамда “соқчи” образларини яратди. Диплом иши учун олинган Исфандиёрнинг “Аваз-Ботир” спектаклида С. Шариповага “қарға” ролини, “Сеҳрли кийик” ролини ижро этган Н. Фармоновага қайсар Гулини, И. Содиқовнинг “Афандининг беш хотини” спектаклида В. Шамсиев “Афанди” ролини ижро этган бўлса, “Аваз-Ботир” спектаклида очкўз “дев” ролини зўр муваффақият билан ижро этди. Ўқиш жараёнида дипломатларнинг ҳар хил образлар яратиши, уларнинг истеъдодини янада кенг кўламда очилишига ёрдам беради. Фақат бу йўналишда улар юзаликка, бачканаликка, масхарабозликка ўтмасдан, образ талқинига жиддий ёндашиши керак. Ижро мактабида талабанинг имконият қирраларини кенгроқ очилишига, унинг келгусида профессионал театрда яхши мутахассис бўлиб ишлашига имконият яратади. У образ яратиш жараёнида кўпроқ мустақил ишлашга ўрганиши лозим. Ижод жараёнида яратаётган образлар бирданига пайдо бўлмасдан, аста-секинлик билан туғила бошлайди. Яъни образнинг характериға хос бўлган хусусиятлар унинг тасаввурида пайдо бўлиб, уни қўғирчоқ персонажига мослаштириб ишлай бошлайди. Қўғирчоқ театрида образ яратиш қўғирчоқнинг ташқи ҳолатидаги хусусиятларға кўпроқ боғлиқ бўлади. Шунинг учун образға топилган юриш-туриш, одат-қилиқлар унинг ташқи характеридан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Яъни актёр образ яратиш жараёнида қўғирчоқнинг танасидаги ҳар бир аъзосини ўзига итоат қилдира олиш кучига эга бўлиши лозим. У қўғирчоқни итоат қилдира олдими, актёрда ўзига нисбатан ишонч

ҳосил бўлади. Сўнг у итоаткор кўғирчоқ образини пьесадаги давр, уни ўраб турган муҳит, ўша даврнинг урф-одатлари, кийим-кечакларига монанд кўғирчоқ персонажи ниқобининг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мақсадли ҳаракат қилишга ўргатади ва унинг тана ҳаракатларини ривожлантириб боради. Шунда кўғирчоқ персонажининг тана ҳаракати эпчилликка, нозикликка ва ҳаракатчанликка мойил бўлади. “Аваз-Ботир” спектаклида Гули образини яратиш жараёнида Ҳикматой кўп ижодий кийинчиликларга дуч келди. У Гули-кўғирчоқни бор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уни яхши бошқариш йўллариини ўрганиб олди. Спектакл шарт-шароитидан келиб чиқиб, сахнада ишлаш жараёнида кўғирчоқни ҳозир кўлига олгандек ўзини йўқотиб қўйди. Чунки, ундан фақат умум хусусиятга эга бўлган кўғирчоқни эмас, балки айнан шу спектаклдан келиб чиққан ҳолда қайсар шоҳ қизи Гули образини яратиш талаб қилинди. Демак, оддий қиздан шоҳ қизининг кийиниши, юриш-туриши, ўзини тутиши, гапириш одатлари, атрофдагиларга муносабати бутунлай бошқача. Шунинг учун образ яратиш жараёнида айнан шу спектаклдаги маълум образга мос бўлган характердаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ишлашни ўрганиш керак экан. Образ яратиш жараёнида биринчи унинг ташқи ҳолатидаги ҳатти-ҳаракатлар аниқ топилиб, ундан кейин образнинг ички моҳияти билан бирлашган ҳолда ишлаш керак.

Кўғирчоқ актёрига образ моҳиятини муҳим томонини очиб бериш учун кучли тасаввур, моҳирлик, топқирлик, сеҳргарлик ҳамда такрорланмас сеҳрли овоз керак бўлади. Бу хусусиятларни актёр образ устида ишлаш жараёнида тўғри аниқ ишлата олса, образ талқини тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга мисол тариқасида Фарғона кўғирчоқ театрида сахналаштирилган “Олтин жўжа” спектаклида Бўри образини талқин қилган Т. Султонов, Андижон театри сахнасида яратилган “Шоҳ Лайлак” спектаклидаги Р. Чўққиев ижросидаги Салим донишманд ва савдогар Мирза, Тошкент Давлат кўғирчоқ театрида “Иссомбуси” спектаклида Иссомбуси ролини ижро этган Муниса Эгамбердиева, институт ўқув театрида

“Афандининг беш хотини” диплом спектаклида Афанди образини яратган Валижон Шамсиев, шу спектаклда Жаннатой образини зўр маҳорат билан ижро этган Қирмизи Куббесова, “Йўлдош ота саргузаштлари” спектаклида Япон хотини ва кампир образини яратган Гулнозаларни мисол қилса бўлади.

Спектакл яратишда режиссёр, рассом, кўғирчоқ усталарининг бирлиги

Автор томонидан персонажларга берилган ички характерли хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда рассом-ҳайкалтарош, кўғирчоқ устаси, механизатор ҳамда педагог-режиссёр ҳамкорлигида ташқи умумлашган хусусиятга эга бўлган кўғирчоқ тайёрланиб, талаба кўлига топширилади. Кўғирчоқ театри актёри ўзига ўта талабчан, барча инсоний одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилган, пок инсон бўлиши керак. чунки у энди ҳаётга мустақил кадам қўяётган, борликни моҳиятини ўз ақл-идрок доирасида тушунишни истаган, ҳамма нарсага ўта ишонувчан. Ҳаётда ҳамма нарса гўзал деб билувчи беғубор болакайларга хизмат қилади. Уларнинг дидини, дунёқарашини санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини уйғотишда ва шакллантиришда биринчи устоз ва мураббий ҳисобланади.

Кўғирчоқ театри актёрининг эитк нормалари қуйдагилардан иборат бўлиши керак:

- актёр биринчи навбатда театр санъати тарихини ўрганиши, унинг анъаналарига содиқ қолиши, шу соҳани ривожлантириш йўлида кўлга киритсак ютуқларни тан олиши;
- келажакка ишонч билан қараб, шу санъатни янада равнақ топиши учун ўз куч ва истеъдодини аямаслиги;
- ўтган ижодкорларни театр санъатида қилган ишларини ўрганиши ва тадбиқ этиши;
- ҳаётда юз бераётган ислохотларни амалга оширишда ўз инсоний бурчини ўташи;

- К. С. Станиславский айтганидек-“Сен санъатдаги ўзингни эмас, балки ўзингдаги санъатни сева билгин”, деган рисоласига амал қилиш;
- Илм-фан, санъат, маданият ва санъат ютуқларидан хабардор бўлиб, уни ўрганиши ва тарғиб қилиши;
- Инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини илгари суриши, меҳр-оқибатли, одамгарчилик, эътиқод сингари одоб-ахлоқ ғояларига риоя қилиши;
- Санъатга, театрга, сахнага ва унинг касбига алоқадор бўлган барча ижодкорларга меҳр-оқибатли бўлиши ва уларни хурмат қилиши;
- Юксак интизомли, ўз касбига жиддий қарайдиган фидоий инсон бўлиши;
- Санъатнинг моҳиятига аниқ тушуниши, ўз ишига онгли равишда ёндошиши ва маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ижод қилиш;
- Бой ҳаётий тажрибага эга бўлиб, ўз устида тинмай ишлаб, малакасини ошириб бориш, яхши мукаммал образлар яратиш имконига эга бўлиши;
- Ижод жараёнида юқорида келтирилган актёр этика хусусиятларини амалга оширишда бор куч ва ғайратини аямаслиги лозим;

Бўлажак ижодкор актёр этик нормаларини ўқиш ва иш жараёнида амалга ошириб, шу хусусиятларни ўзида мужассамлаштирса, у келажақда яхши инсон ҳамда яхши актёр бўлиб етишади. Ҳамда ижодкор сифатида ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришади. Демак, яхши актёр ёки режиссёр бўлиш учун биринчи навбатда яхши инсон бўлиш керак экан. Ана шунда жамиятга фойдаси тегадиган илғор фикрлар куйчиси бўлган мукаммал асарлар яратилади. Бундай асарларни яратиш учун К. С. Станиславскийнинг таъбирича-“Ҳаётда мешчанларча яшаб сахнада буюк инсонларни образини яратиш жуда қийин бўлади”.

Устозим Турсунбой Исроилов актёрлик маҳорати дарсида кўп маротаба берган ўғитлари ҳар доим қулоғим остида жаранглаб туради. “Инсон ўзида бор бўлган камчиликлардан бири тўла халос бўлиши қийин. У ўз камчиликларини аста-секин онгли равишда тушунган ҳолда бартараф қилиши ва уни бошқа қайтармаслиги, шу билан бирга ўзнгизда яхши ҳислатларни тарбиялаб боришингиз лозим. Шунда сиз яхши инсон ҳамда яхши ижодкор бўлиб етишасиз”, деб таъкидлар эдилар.

Балки устозни ўғитларига амал қилган кўпгина шогирдлар бугунги кунда эл низарида бўлиб, санъат соҳасининг барча жабҳаларида яхши ижод қилиб келмоқдалар. Булар: устоз-режиссёр Рустам Усмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зухра Ашурова, Саида Раметова, Гулбахор Мамедова, Икром Хоникулов, Раҳматулла Мирзаев ва бошқалар.

Актёр томошабин олдида чиқишдан олдин ўзида жавобгарлик ва катта маъсулият ҳис қила билиши шарт. Спектаклни томошабинга намойиш қилиш учун уни ўз вақтида бошлаб, сахнага қўғирчоқ билан ўз вақтида чиқиш эмас, балки спектакл ва унда ижро этадиган ролни ҳозир, шу бугун, шу соатда, шу дақиқада бугунги куннинг талаби билан боғлаб, унга янгича ёндашиб, сайқал бериб ижро эитшга ҳаракат қилиш керак. актёр роль устида қанча ишласа, унинг имконият чегаралари шунча кенгайиб, роль жозибаси шунча очилади

II-Маъруза: ЭТЮДНИНГ СПЕКТАКЛ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ АДАБИЁТЛАР

1. М. М. Коровлёв “Искусство театра кукол”. Изд., “Искусство” Ленинградское отделение. 1973.
2. Г. Х. Мухамедова “Муסיқали театр актёрларини тарбиялашнинг асослари”. Тошкент. 1991.
3. И. В. Радун “Путь к сцене”. Тошкент 1983.
4. М. Ашурова “Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби”. Тошкент 2007 й.

Биз биламизки, бира тўла спектаклни яхлитлигича сахнага олиб чиқиб ўйнаб бўлмайди. Спектакл майда бўлақлар ва кўринишлардан иборатдир. Олдин ана шу майда бўлақлар маҳзини чақиб, сўнг уларнинг асосий ғояга, аниқ мақсадга бўйсундириш керак. Асосий ғоя ва мақсад спектакл устида олиб бориладиган ишга тўғри йўл кўрсатувчи компас вазифасини ўтайди. Бу йўл эса ҳаёт паст-баландликлардан, ўнқир-чўнқирлардан иборат бўлади. Ана шу ҳаёт йўлакларидан ҳар бир персонаж ўз мақсадига эриши учун ҳар хил йўл билан боради. Сизнинг қўлингиздаги қўғирчоқ бу жараёни ўташ учун узок йўл юришга тайёр бўлиши керак. Бу узок йўлни босиб ўтиш учун қўғирчоқ сахнада эркин ҳатти-ҳаракатга мойил бўлиб, ўз кучига ишонмоғи лозим. Менимча, бу жараён енгилроқ ва осонроқ кечиши учун унга этюд ёрдам беради. Шунинг учун қўғирчоқ персонажи асосий мақсадга эришмоғи учун биринчи қадамини этюддан бошлайди. Яъни у аста-секинлик билан ҳаёт лавҳаларини англашга, тушунишга, уни ўзлаштиришга ҳаракат қила бошлайди.

“Сеҳрли кийик” спектаклидаги “Ёрдам” деб номланган бир бўлақни олиб этюд тариқасида кўрамиз. Бунда биз автор томонидан берилган шарт-шароитни оламиз. Яъни воқеа тоғ бағрида содир бўлади. Овчи кийикни ушлаш учун унга тузоқ қўяди. Кийик тузоққа тушиб қолади. Шу атрофда ўтин териб юрган бола кийикни қийналаётганини кўриб қолади ва унга ёрдамга келиб, уни қутқаради. Шу пайт овчи келиб қолади ва кийикни тутиб олади. Бола қанча ялиниб, ёлвормасин овчи кийикни қўйиб юбормайди. Охири бола йиғиб юрган пулларини овчига бериб, кийикни қутқариб олади. Овчи кетади. кийик ўз навбатида ҳаётини асраб олганлиги учун болани иқтисодий тенгликдан озод қилади ва дўстлик рамзи сифатида кийик унга сеҳрли қўғирчоқчасини совға қилади. Бу қўғирчоқ Хасанга жуда қўп бойлик келтиради. Демак, бу этюдда талабалар автор томонидан берилган шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда қўғирчоққа яқин бўлган ҳатти-ҳаракатларни топишади. Бу топилган ҳатти-ҳаракатлар аниқ мақсад сари йўналтирилган

бўлиши керак. Этюддаги иш жараёни қўғирчоқ персонажи билан актёрни бир-бирига яқинлаштиради.

Спектаклни бошидан охиригача этюд тариқасиди ўтиши лозим. Талабалар этюд ишлаш жараёнида қўғирчоқнинг имкониятларини ўзи учун аниқлашга имкон яратади. Яъни талаба бу йўналишда қўғирчоқни техник бошқаришдан ижодкор сифатида намоён бўла бошлайди. У бу жараёнда кўлидаги қўғирчоқни қандай бошқариш эмас, балки иш йўналишида у яна қандай кутилмаган ҳаракатлар қилишга қодир эканлигини ўзи учун аниқлайди.

Кийикни қопқонга тушиб қолгандаги изтиробларию, уни ҳаётини асраб қолган инсонга билдирган миннатдорчилиги, дўст бўлишни таклиф қилиши ёки Хасаннинг қопқонга тушган кийикка ёрдамга келиши, ўзи емай йиғиб юрган пуллари кийикни қутқариш учун овчига бериши, овчининг эса ўз навбатида худбинлигию, ўзини ўйлаб боланинг охирги пулларини тортиб олиши каби инсоний ҳис-туйғуларни албатта қўғирчоқ ўзининг қотиб қолган ташқи ҳолати орқали етказа олмайди. Бу ерда томошабинга умуман кўринмаган ҳолда тўсиқ орқасида яшириниб олган актёр, ўз ҳим-туйғуларини кўлидаги қўғирчоғига электр симлари орқали юбориган токдек унинг жонсиз танасига сингдириб, сахнада ҳақиқий мўъжиза содир этади.

Бу мўъжиза қўғирчоқ бошқариш эмас, балки унга жон ато этиш, уни ўйлашга, фикрлашга ва бошқаларни ўз ҳатти-ҳаракати кетидан эргашишига унга ёрдам беришга, уни аяб-авайлашга, сўнгра унга содиқ қолишга ёки у билан дўст бўлишга чорлайди. У ўз номидан ўз ҳақида гапира бошлайди. Сиз эса бунга ўзингиз билмаган ҳолда ишона бошлайсиз. У эса репетициядан-репетициягача уни ҳурмат қилишга, унга бир жонсиз тасвирий санъат асаридек қарамасликка, спектаклдан кейин уни сахнанинг бир четига жонсиз предмет деб, ташлаб юрмаслигингизни сўрайди. Албатта сиз талаба, уни аста-секин сева бошлайсиз. Чунки у сиз билан тан, бир жон бўлиб қолади. У сизнинг бутун ҳис-ҳаяжонингизни, умид ва орзуларингизни тараннум эта бошлайди.

Бир куни “Сехрли кийик” спектакли репетициясидан кейин талабаларга 10 минут танаффуз эълон қилинди. Бир вақт қарасам, четда кўғирчоғини кучоқлаб ўтирган талабага кўзим тушди. Унга мурожаат қилиб: “Сена нега танаффузга чиқмадинг?”-деб сўрасам, у бўлса: “домла биласизми, мен шу кунгача кўғирчоғимни, яъни кийикни тушуна олмай кийналиб юргандим. Унинг ҳаракатлари кўпол, менга ҳеч ҳам бўйсунмасди. Бугун эса бутунлай бошқача, биз бир-биримизни тушунгандаймиз. Ҳаёлимда кўғирчоқни жойига кўйсам, у мендан хафа бўлаётгандай. Бугун негадир кўғирчоғим кўзимга бошқача кўриняпти, ҳаёлимда мен уни яхши кўриб боряпман”деб жилмайиб кўйди. 10 дақиқадан сўнг яна репетиция бошланди. Энди кийик кўғирчоғини бошқараётган талабани умуман таниб бўлмасди. Чунки у бошқараётган кўғирчоқ, яъни “Сехрли кийик” пластикасида нозиклик, сеҳрлилик, овозида жарангдорлик ўз-ўзидан туғилиб кела бошлади. Саҳнада содир бўлаётган бу жараёнга кўғирчоқ театрида “Улар бир-бирини тушунишди”,-дейилади. Демак, актёр кўғирчоқ бошқарувчидан, ижодкор актёрга айланди. Бундай актёр кўғирчоқ театрида мўъжиза ярата олади, яъни кўғирчоқ персонажи орқали мукаммал образ яратишга қодир бўлади.

III-Маъруза: УСЛУБНИНГ ОБРАЗ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ АДАБИЁТЛАР

1. Қ. Хўжаев “Саҳнага йўл”, Тошкент “Ўқитувчи”. 1982 й.
2. Что же такое театр кукол (сборник статей), М. ВТО. 1980 г.
3. М. Қодиров “Ўзбек миллий кўғирчоқ театри”, Тошкент. 1979 й.

Ҳар бир ижодкор ҳаётда содир этиладиган маълум воқеа ва ҳодисаларга ўзгача ёндошади. Воқеликни тасвилашда у ўз услубига эга бўлади. Битта даврда бир хил воқеликдаги асар персонажлари ўз характерли хусусиятига, ҳаётда тутган ўрнига қараб ҳар хил тасвирланган бўлади.

Шунинг учун спектакл яратишда ҳамда ундаги образларнинг талқинида педагог-режиссёр ва талабалар автор услубига катта эътибор бериши ва автор ғоясига бўйсунган ҳолда ишлашни билиши зарур. Бу асар моҳиятини, асосини очишда ижодкорга катта йўл очиб беради. Мисол, учун биз бир даврда яшаб ижод қилиб келаётган Пиримкул Қодиров билан Ўткир Ҳошимовнинг асарларини ўқиганимизда, уларнинг ҳар бири ўзининг муаллифлик услубига эга эканлигига гувоҳ бўламиз. П. Қодиров ўз романларида кўпинча тарихга назар ташлаб, тарихий шахсларнинг бошидан кечирган ажойиб ва ғаройиб саргузаштларни ва тарихда ўчмас из қолдирган улуғ фаолиятларни ёритади. Бунга унинг “Бобур”, “Ҳумоюн ва акбар” романларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Адиб Ўткир Ҳошимов эса, ўз романларида замонасининг илғор кишиларини босиб ўтган ҳаёт йўли, уларнинг қисматини ёрқин бўёқларда тасвирлайди. Унинг “Нур борки, соя бор” ёки “Икки эшик ораси” романлари фикримизга дадил бўлиши мумкин.

Болаларнинг сеvimли ёзувчиси Саъми Абдуқаҳҳор сатира жанрида ижод қилиб келмоқда. У бир қанча масал, ҳажвий ҳикоя, шеърӣй фелъетон ва пародиялар автори. Ёзувчи ўзининг асарларида жамиятимиздаги кишиларнинг тинч яшаб, ижод қилиб, унумли ишлаши учун ҳалал берувчи юлғич, алдоқчи ва ишёқмасларга сатира жанри орқали аёвсиз курашади. Унинг “Ҳижолат”, “Бекатда”, “Туш”, “Айрон”, “Жумбоқ” ва бошқа асарларидаги кишиларнинг салбий ҳислатлари танқид қилинади. Анвар Обиджонов эса Шарқнинг бир доно ҳукмдорининг “Мен халқнинг қаҳридан кўра мазахларидан кўпроқ кўрқаман”, деган фикрига қўшилган ҳолда жамиятимиздаги турли нуқсонларни йўқотишга “кулгини” қурол қилиб олган. “Кулги умрни узайтиради”, деган донишмандларнинг фикрига қўшилган ҳолда ўзининг ҳангомаларидан дардни кулги билан енгиш мумкинлигини исботлаган ёзувчи. Унинг “Совуган кўнгил”, “Шубҳа”, “Дардингни стадионга айт”, “Минг сўмлик пўстак”, “Пойгадагилар”, “Рўзғорни қумсаш” ва бошқа асарларида нуқсонлар танқид остига олинади.

Қўғирчоқ драматургиясига мурожаат қиладиган бўлсак, шу соҳани йирик вакилларида бири адиб Мухсин Қодиров ўз асарларида поэтик фалсафа орқали халқ ижодиёти ҳамда эртак мотивига мурожаат қилиб, воқеликни замонавий қаҳрамонлар ҳаёти орқали тасвирлайди. Бунга адибнинг “Сирли най”, “Чин дўст”, “Сусамбил”, “Кенжа қиз” асарлари мисол бўла олади. Адиб Анатолий Қобулов эса ўз асарларида эртак мавзусига мурожаат қилиб, асар қаҳрамонлари ҳаёт йўлини, уларнинг ички кечинмаларини сеҳр орқали ҳал этади. Бунга унинг “Сеҳрли кийик” асарини кўрсатиш мумкин.

Авторнинг асар яратишда ўзига хос услуби бўлганидек режиссёр, актёр, рассом-ҳайкалтарош ва қўғирчоқ устасининг ҳам спектаклни тайёрлаш, образ яратиш жараёнида ўзига хос услуби бўлади. Шунинг учун сахнада яратиладиган ҳар бир ижодий иш ўзининг алоҳида хусусиятга эга бўлади. Битта драматик ёки қўғирчоқ театрига мўлжалланган асар ҳар бир алоҳида олинган театрда автор услубидан келиб чиққан ҳолда айнан маълум театр ижодкорлари томонидан ўз ечимига ва талқинига эга бўлади. Мисол учун, режиссёр Исо Ёкубов билан ҳамкорликда ишлаган рассом-ҳайкалтарош Евгений Акудиннинг қўғирчоқ театр сахнасида яратган спектакллари ўзининг жозибадорлиги, рангларни тўғри танланганлиги, қўғирчоқларни усталик билан ясалганлиги, сахнада бой, ранг-баранг анжомларнинг ҳар бири ўз ўрнини топганлиги, спектаклда албатта мусиқа, кўшиқ, ўйинларнинг кўплиги ва ўз ўрнида аниқ ишлатилиши, спектаклнинг ихчамлиги персонажларнинг томошабинлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиши, бир сўз билан айтганда, улар яратган спектакл ҳар доим гўзаллиги ва томошабинни бир қарашда ўзига мафтун эта олиши билан ажралиб туради. Е. Шварцнинг “Золушка, Исфандиёрнинг “Темирчи ва малика ҳақида эртак”, Ҳ. Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, М. Ҳалилнинг “Сирли най” ва бошқа асарлар асосида ишланган спектакллар эътиборни тортади. Режиссёр Шомурод Юсупов билан рассом ҳайкалтарош Евгений Акудиннинг ижод йўлига назар соладиган бўлсак, бу ижодкорларнинг биргаликда яратган “Бахт

излаган Хасан”, “Оловуддиннинг сеҳрли чироғи”, “Алпомиш”, “Чодир жамол” ва бошқа спектакллари сахнада кенгликни талаб қиладиган, сеҳр ва мўъжизаларга бой, спектаклда актёр ўйинидан кўра кўпроқ техника ва чироқларни ишлатилиши билан ажралиб туради.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкорни алоҳида бир-биридан ажратиб турадиган ўз қалами ва ўз услуби бор. Шунинг учун битта асарни ўнта режиссёр ўнта театрда сахналаштиради, асар маълум аниқ асосланишига қарамасдан, унинг талқини ҳар хил бўлади.

Услуб тўғрисида гапирганда, актёрларда ҳам образ талқинида ўзига хос йўналиш борлигини гувоҳи бўламиз. Шунинг учун кўғирчоқ театри сахнасида яратилган жодугар кампир, шох, малика, бўри, қуён, тулкиойлар образлари ҳар хил актёрлар ижросида турлича талқин қилинган. “Янги йил мўъжизаси”, “Ўлмас Кашшей” спектаклидаги жодугар кампир ўзининг хусусиятига кўра бир хил характерга эга бўлган образ. Яъни атрофдагиларга фақат ёмонлик истовчи персонаж. Шунга қарамасдан бу образ болалар театрининг спектаклида жуда кўп талқин қилинган образлардан бири бўлиб келмоқда. Ёки ёш томошабинларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган “Қуён” билан “Бўри” образлари ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Ҳар хил спектакл ёки мультфильмда турли хил талқин қилинган Қуёнвой образи кичкинтойларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган. Уни болалар жон-диллари билан севиб, ҳимоя қилишади. Бўри образини оладиган бўлсак, у ҳар икки пьесанинг бирида учраб туради. У кўпинча ўз характерли хусусиятига кўра, бир хилда салбий образ тариқасида кўрсатилган. Лекин актёрлар бу персонажни гоҳида ҳаммани кўрқитиб юрадиган, гоҳида ландовур, гоҳида раҳимдил қилиб, образни кўп қирраларини очиб бериш имконига эга бўлган.

Демак, актёр образни рўёбга чиқариш учун ўзининг актёрлик маҳорати ҳамда истеъдодини турли восита, усул билан бир қаторда сахна санъатида яратилган ижодий йўл-йўриқларидан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. ана шунда талаба болаларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган Полвон Качал, Зумрад, Золушка, Ғозча, Қуёнвой, кийин ва ҳ.к.ларни ҳар сафар

сахнага олиб чиққанда бу персонажларни янги бўёқларда ифодалаб, уларга хос бўлган янги-янги ҳислатларни топиб, образ талқинига янгича жило бера олади.

IV-Маъруза: СПЕКТАКЛ УСТИДАГИ ИШ ЖАРАЁНИ **АДАБИЁТЛАР**

1. И. Пўлатов “Саҳна нутқи”. “Ўқитувчи”. Тошкент. 1994.
2. И. В. Радун “Путь к сцене”. Тошкент. 1983.
3. Қ. У. Хўжаев “Саҳнага йўл”. Тошкент. 1982.

Педагог-режиссёр пьеса тўғрисидаги ўз фикр, ўйларини ва мақсадини талабага мажбурий сингдирмасдан, уларга пьеса устида иш жараёнида сингдириб боради. Талаба пьесани чуқур англамоғи даркор. Пьеса устидаги иш жараёни кўр-кўрона содир этилмаслиги керак. бу жараёнда талаба пьеса ҳамда ундаги персонажларнинг муносабати юзасидан ўз мустақил фикрига эга бўлиши ва уни айта ола билиши даркор. Пьеса хусусида кўпроқ талабалар мустақил фикр юритиб, уларнинг ўзлари ўзаро ижодий тортишувлар натижазда аста-секин пьесанинг ғоявий мазмуни, олий мақсадини, етакчи ҳатти-ҳаракатни, ҳатти-ҳаракат қилувчи шахслар орасидаги муносабатларни ҳал этишлари мумкин. улар ҳар бир персонаж ҳақида, унинг келиб чиқиши сабаблари, характериға хос хусусиятлар, пьесадаги бошқа персонажлар билан ўзаро муносабати, унинг мақсад ва вазифалари, ҳаётда тутган ўрнини муҳокама қиладилар. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳаётининг бутун қирраларига таалуқли томонларини чуқур таҳлил қилиши лозим. Албатта бу жараён талабаларға рол тақсимлашдан олдин амалға оширилиши ва бу жараёнға ҳамманинг актив қатнашишини таъминлаш ҳар ким ўзининг мустақил фикрға эга бўлиши лозимдир.

Ўқитувчи пьеса таҳлили жараёнида талабаларнинг ҳар бири пьеса ва унинг персонажлари тўғрисида мустақил фикр юритишиға, асарни янги қирраларини очишға имкон беради. Асар персонажларининг тутган ўрни, уларнинг ҳатти-ҳаракат тизмаси, ҳулқ-атвори, пьесанинг ғояси, воқеалари ва

карама-қаршиликларга уларнинг билдирган муносабати инобатга олинади. Талабалар пьеса персонажларини таҳлил қилиш жараёнида уларга четдан караб эмас, пьеса персонажи, яъни қўғирчоқни имкон қадар хусусиятларига таяниб фикр юритишлари керак. Улар фақат пьесадаги содир этилаётган воқеаларни эмас, балки шу воқеаларни содир этилиши учун сабабчи бўлган олдинги воқеалар, ходиса ва шарт-шароитларни ўрганишлари лозим. Бу хусусда Р. Усмонов қуйидагича ёзади “...фақатгина парда очилгунча эмас, пардалар, кўринишлар орасида содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни ҳам аниқлаш зарур. Бу кўриниш ва пардалар орасида маълум вақт, воқеа, шарт-шароит, муносабат, инсонлар характери, дунёкараши ва шунга ўхшаш қатор фактлар ўзгариши мумкин. шуни аниқлаб олмасдан сахнада узлуксиз ҳаётийликни яратиб бўлмайди”.

Фикрлар исботи тариқасида А. Қобуловнинг “Сеҳрли кийик” пьесасини таҳлилини айтиб ўтиш жоиз. Пьеса курсда ўқиб чиқилганда талабалар орасида қандайдир жимлик ҳукмрон сураб эди. уларнинг ҳаёлини нимадир жамлаб олган, кўзлари ўйчан эди. ўқитувчи бу жимликни бузишга, уларнинг фикрини аудиторияга қайтаришга қарор қилди ва уларга мурожаат қилиб “Хўш, пьеса сизларга ёқдими?”, деб сўради. Ўқувчилар бир зум ўзларига келиб, нигоҳларини ўқитувчига қаратиб бирин-кетин “Ҳа, ҳа ёқди”, деб жавоб беришди.

Ўқитувчи талабаларга роллар тақсимланишидан олдин, улардан пьеса персонажларнинг келиб чиқиши, пьесада тутган ўрни ва ҳаракатли хусусиятлари тўғрисидаги фикр юритишларини айтди. Нима учун рол тақсимланмасдан персонажларга характеристика бериш керак деган савол туғилиши мумкин. Чунки, бу жараёнда курс талабаларининг ҳар бири пьесадаги ҳамма персонажлар устида фикр юритишга мажбур бўлишади.

Ўқувчи-Хўш ким персонажлар тўғрисида фикр юритишга тайёр?

Сўзни биринчи бўлиб Наргиза бошлади: “Пьесада ҳар хил хусусиятларга эга бўлган ҳар хил характердаги персонажлар бор. Мисол учун, кийикчани оладиган бўлсак, у биринчи маротаба ҳаётга мустақил қадам

қўйган персонаж. Уни инсондан фарқи шундаки, у табиат қўйнида эркин яшашни яхши кўради ва борлиқни жон дили билан севиб яшайди. У атрофдагиларга ишонч кўзи билан қарайди, ҳали у нима яхши, нима ёмонлигини илғай олмайди...”

Наргиза шу тариқа пьесадаги персонажларга қисқа характеристика бериб чиқди.

Сайёра-Малика Будур подшоҳнинг суюкли қизи. Ҳамма нарсаси муҳайё бўлишига қарамай яна кўпроқ бойликка эришишни хоҳлайди ва ҳеч нарсадан тап топмайди. Хасанни севмаса ҳам, бойлик туфайли унга турмушга чиқди. Оқибатда алданиб қолади. Малика Будур қайсар, ўз сўзини ўтказишни яхши кўрадиган худбин қиз.

Анвар-Хасан асар бошида оқ кўнгил, меҳнаткаш, раҳимдил, биров учун жонини ҳам аямайдиган инсон. У сеҳрли қўғирчоқни қўлга киритгандан кейин, енгил бойлик орттириш пайида бўлади. Яъни у худбин, ваъдасининг устидан чиқмайдиган, дўстни қадрламайдиган қайсар инсонга айланади.

Шу тариқа курс талабалари персонажларга аста-секин баҳо бериб, уларнинг характерининг моҳиятига ета бошлайдилар.

Албатта бу ҳар бир персонажнинг олий мақсади, етакчи ҳатти-ҳаракатлар, уларнинг ўзаро муносабати, пьесадаги воқеаларга, уларнинг ўраб турган муҳитга бўлган муносабатлари қандай кечганлиги аниқлаб борилади.

Асар тўла-тўқис таҳлил қилингандан кейин, талабаларга роллар бўлиб берилади. Талабаларга рол тақсимлаш уларнинг тўрт хил имкониятини инобатга олган ҳолда кечади.

1. Берилган рол талабани тўлиқ имкониятини очиб беришга хизмат қилсин.

2. Талабанинг ички имкониятларини темперамент, хис, хаяжон, тасаввур, фантазия ва х.к.лар.
3. Талабанинг овоз имкониятлари.
4. Қўғирчоқ хис қилиш хусусияти.

Пьеса аниқ бўлакларга бўлиниб, ҳар бир бўлак номланиб, мақсади, воқеаси, қарама-қаршилиги, шарт-шароити аниқлаб чиқилади. Мисол учун, пьесадаги биринчи бўлак номини талабалар “Учрашув” деб қўйишди. Ҳақиқатдан ҳам, бу бўлакда кийикча табиат, қуш, капалак, Хасан, вазир билан учрашади. Хасан қушлар, кийикча, вазир билан учрашади. Вазир эса кийикча ва Хасан билан учрашади. Шу тариқа барча пьесадаги бўлаклар ўз талабига кўра аниқланиб чиқилади. Лекин буларнинг ҳаммасида ҳам, олий мақсадга интилиш асос бўлиб турибди.

Хўш, пьеса таҳлил қилинди, персонажларга бериб чиқилди, асар майда бўлакларга бўлиниб, таҳлил қилинди. Энди пьесани аниқ мақсад асосида ўқиб чиқиш керак бўлади. Пьеса ўқиб чиқилди ҳам. Лекин спектаклда аниқ мақсадга эришиш учун жонли актёрлар эмас, балки қўғирчоқ персонажлари қатнашади. Шундай экан, устахонада тайёр бўлган персонажлар билан курсни таништириш керакдир. Ҳақиқатдан ҳам, пьесани спектакл даражасига етказадиган асосий қўғирчоқ персонажларнинг номидан пьесани ўқиш лозим. Менимча, худди шундай бўлгани маъқул. Шу тариқа, талабалар ўзларига бириктирилган персонажларнинг ташқи формаси, унинг ниқоби билан танишиб чиқадилар ва қўғирчоқни қўлларига ушлаб, унга ўзига хос овоз топишга урилиб кўришади. Стол атрофида асарни қўғирчоқнинг ниқобидан келиб чиққан ҳолда, пьесани мақсадига мувофиқ, персонажларнинг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқий бошлайдилар. Албатта бу жараён аста секинлик билан амалга оширилади. Демак, шу дақиқадан бошлаб ўзлигини унутиб, қўғирчоқ номидан ишлаш жараёни бошланади. Қўғирчоқ билан иш жараёни сахнадан бошланмасдан, аксинча, у анча илгари пьеса устида ишлаш жараёнида бошланар экан. Бу шу санъат турига хос бўлган хусусиятлардан яна бир кўринишидир.

АДАБИЁТЛАР

1. М. Королёв “Искусство театра кукол” М. “Искусства” Л. Отд. 1973г.
2. Г. Кристи “Воспитание актёра школы Станиславского” М. изд. 1978г.
3. А. Сайфутдинов “Адабий асар ва ижрочилик мактаби” М. ВТО. 1986й.
4. М. Қодиров “Ўзбек халқ томоша санъати” Тошкент “Ўқитувчи” 1981й.
5. М. Ашурова “Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби” Тошкент. 2007 й.

V-МАЪРУЗА

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРИ ИЖОДИГА ХОС БЎЛГАН ХУСУСИЯТЛАР

Тўртинчи курс ўқиш жараёнида курс талабалари барча фанлардан ўқиб ўрганган билимларини диплом спектаклини амалга ошириш учун сарфлашади. Диплом спектаклида талабалар томонидан яратиладиган ҳар бир образ профессионал театр актёрининг ижодий иши билан тенг бўлиши лозим. Чунки санъат мактабининг бугунги дипломати, эртанги куннинг театр актёри. Шундай экан, диплом спектаклида ҳар бир қилинадиган иш, бу профессионал театрга қўйиладиган илк қадам ҳисобланади. Диплом

Спектакл профессионал театрнинг бутун имкониятларидан келиб чиққан ҳолда саҳналаштирилади. Яъни спектакль саҳналаштириш профессионал театрдагидек маълум график асосида олиб борилади. Бу жараёнда талабалар ҳар томонлама мустақил ижод қилишга, коллективни ҳис қилиш, уни тушуниш ва бир-бирига ижодий ҳамкорликда ёрдам бериш хусусиятларини тарбиялаш ҳам диплом спектаклини яратиш жараёнига киради.

Демек, тўртинчи курснинг ўқиш жараёнида амалга ошириладиган диплом спектакли яхши драматургияга ҳамда бой ғояга асосланган мукаммал асар бўлиши шарт. Спектакль замонавий ёки классик асар мукаммал асар бўлиши шарт. Спектакль замонавий ёки классик асар ҳам бўлиши мумкин. Энг асоси танланган асардаги персонажлар ҳар хил характерли хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Агар диплом олди спектакли кичик ёшдаги томошабин учун танланган бўлса, диплом спектакли

албатта катта ёшдаги томошабинларга мўлжаллаб олинган бўлиши керак. биз биламизки, кўғирчоқ театри фақат ёш томошабинлар учун эмас, балки катта ёшдаги томошабинларни ҳам хушнуд қилиб келмоқда. Ҳар бир кўғирчоқ театри саҳнаси учун танланган асар, ўз томошабинига эга бўлган ҳолда унинг ёшига қараб саҳналаштирилади.

Диплом спектакли устида олиб бориладиган иш жараёни худди 6-босқичдагидек бўлади. Фақат роль тақсимлашга келганда педагог-режиссёр курс талабаларини диплом олди спектаклида ўйнаган роллари монанд бўлмаган, бутунлай ўзгача персонаж образини яратиб бериши керак бўлади. Аксинча, ўқиш жараёнида талабада бир йўсиндаги роль ижроси, яъни бир жанрда талқин қилгн роли-лирик бўлса, лирик; комик бўлса, комик; характерли бўлса, характерли персонажнинг образи унинг кўп қиррали актёрлик имкониятларини чегаралаб қўйишга олиб келади. Бу эса бўлажак актёрни бир қолипга солиб қўяди. Шунинг учун диплом спектаклида талабаларга тўғри роль тақсимлаш иш босқичининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўқиш жараёнида талабалар диплом олди ва диплом спектаклларида турли хил бир-бирига монанд бўлмаган образларни яратиши, унинг келгусида театрда кўп қиррали актёр бўлиб ишлашига тўғри йўл очиб беради. Чунки, кўғирчоқ театрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири актёр битта спектаклда бир нечта образ яратиш имконига эгадир. Бундай ҳолда биз диплом олди спектаклида ҳам қўллаган эдик. Яъни, “Сеҳрли кийик” спектаклида талаба С. Шарипова тантик, қайсар, эркатой. шоҳ қизи “Будур” ҳамда бу образга қарама-қарши бўлган доно, вазмин, ақл билан иш кўрадиган “Товус” образларини тўлақонли ярата олди. Талаба А. Шамсиев эса “Ёвуз ўргимчак” ҳамда “соқчи” образларини яратди. Диплом иши учун олинган Исфандиёрнинг “Аваз-Ботир” спектаклида С. Шараповага “қарға” ролини, “Сеҳрли кийик” ролини ижро этган Н. Фармоновага қайсар Гулини, И. Содиқовнинг “Афандининг беш хотини” спектаклида В. Шамсиев “Афанди” ролини ижро этган бўлса, “Аваз-Ботир” спектаклида очкўз “дев” ролини зўр муваффақият билан ижро этди. Ўқиш жараёнида дипломатларнинг ҳар хил

образлар яратиш уларнинг истеъдодини янада кенг кўламда очилишига ёрдам беради. Фақат бу йўналишда улар юзакиликка, бачканаликка, масхарабозликка ўтмасдан образ талқинига жиддий ёндашишига тўғри келади. Ижод мактабида талабанинг имконият қирраларини кенгрок очилишига унинг, келгусида профессионал театрда яхши мутахассис бўлиб ишлашига имконият яратади. У образ яратиш жараёнида мустақил ишлашга ўрганиши лозим. Ижод жараёнида яратаётган образлар бирданига пайдо бўлмасдан аста-секинлик билан туғила бошлайди. Яъни, образнинг характериға хос бўлган хусусиятлар унинг тасаввурида пайдо бўлиб, уни кўғирчоқ персонажига мослаштириб ишлай бошлайди. Кўғирчоқ театрида образ яратиш кўғирчоқнинг ташқи ҳолатидаги хусусиятларға кўпроқ боғлиқ бўлади. Шунинг учун образға топилган юриш-туриш, одат-қилиқлар, унинг ташқи характеридан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Яъни, актёр образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг танасидани ҳар бир аъзосини ўзига итоат қилдира олиш кучига эга бўлиш лозим. У кўғирчоқни итоат қилдира олдимиз, актёрда ўзига нисбатан ишонч ҳосил бўлади. Сўнг у итоаткор кўғирчоқ образини пьесадаги давр, уни ўраб турган муҳит, ўша даврнинг урф-одатлари, кийим-кечакларига монанд, кўғирчоқ персонажнинг ниқобининг характерли хусусиятида келиб чиққан ҳолда секин мақсадли ҳаракат қилишға ўргатади ва уни тана ҳаракатларини ривожлантириб боради. Шунда кўғирчоқ персонажнинг тана ҳаракати эпчилликка, нозикликка ва ҳаракатчанликка мойил бўлади. “Аваз-Ботир” спектаклида Гули образини яратиш жараёнида Ҳикматой кўп ижодий қийинчиликларға дуч келди. У Гули-кўғирчоқни бор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уни яхши бошқариш йўллариини ўрганиб олди. Спектакль шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда сахнада ишлаш жараёнида кўғирчоқни ҳозир қўлиға олгандек ўзини йўқотиб қўйди. Чунки, ундан фақат умум хусусиятға эга бўлган кўғирчоқни эмас, балки айнан шу спектаклдан келиб чиққан ҳолда қайсар шоҳ қизи Гулини образини яратиш талаб қилинади. Демак, оддий қиздан шоҳ қизининг кийиниши, юриш-туриши, ўзини тутиши, гапириш одатлари, атрофдагиларға

муносабати бутунлай бошқача. Шунинг учун образ яратиш жараёнида айнан шу спектаклдаги маълум образга мос характердаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ишлашни ўрганиш керак экан. Образ яратиш жараёнида биринчи унинг ташқи ҳолатидаги ҳатти-ҳаракатлар аниқ топилиб, ундан кейин образнинг ички моҳияти билан уларни бирлаштирган ҳолда ишлаш керак. актёр ижодининг муваффақияти бу унинг изланишида, борлиқни сезиб идрок этишида ҳамда барча топилган нарсаларни образни яратиш жараёнида, уларни шунга тадбиқ қила олишидадур.

Қўғирчоқ актёрида образ моҳиятини муҳим томонини очиб бериш учун унга кучли тасаввур, мохирлик, топқирлик, сеҳргарлик ҳамда такрорланмас сеҳрли овоз керак бўлади. Бу хусусиятларни актёр образ устида ишлаш жараёнида тўғри аниқ олса, ана шунда образ талқини тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга мисол тариқасида Фарғона қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган “Олтин жўжа” спектаклида бўри образини талқин қилган Т. Султонов, Андижон театри саҳнасида яратилган “Шоҳ Лайлак” спектаклидаги Р. Чўққиев ижросидаги Салим донишманд ва савдогар Мирза, Тошкен Давлат қўғирчоқ театрида “Иссомбуси” спектаклида Иссомбуси ролини ижро этган Муниса Эгамбердиева, институт ўқув театрида “Афандининг беш хотини” диплом спектаклида Афанди образини яратган Валижон Шамсиев, шу спектаклда Жаннатой образини зўр маҳорат билан ижро этган Қирмизи Куббесова, “Йўлдош ота саргузаштлари” спектаклида Япон хотини ва кампир образини яратган Гулнозаларни мисол қилса бўлади.

Бу спектаклларда муваффақиятли чиққан образлар талқини айнан уни яратган актёрнинг билим даражасига, саҳна санъати тўғрисидаги кенг тушунчаси ва маълумотига, маҳоратига ҳамда саҳнада меъёр даражасини билган ҳолда ижод қилиб, ўзи яратган образни тўлақонли кенг мазмун ва маънода ярата олганлигидадур.

Диплом спектаклини яратиш жараёнида дипломатлар юқорида келтирилган театр актёрига хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Чунки улар яратаётган образларнинг ҳар бири

ўз характериға, тарбиясига, ҳаёт тарзига, жамиятда тутган ўрниға боғлиқ бўлади. Демак, пьесада автор томонидан олинган маълум давр, унда яшаётган персонажларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эға бўлган турли характердаги инсонлардир. Образ яратиш жараёнида ҳар бир талаба ўзининг иш йўналишини, унга бириктирилган ролнинг айнан шу персонажға хо бўлган характериға монанд хусусиятларнинг излаб топишға тўғри келади.

Диплом учун олинган Исфандиёрнинг «Аваз-Ботир ва малика-гули» спектаклидаги Аваз-Ботир ақлли, ҳақгўй, ўз халқига, Ватаниға содиқ севгилисига эришиш учун ҳар қандай тўсиқларни енгишға қодир, кучли паҳлавон, ботир. Малика-Гули-қайсар, тантиқ, қоронғулик мамлакатада яшаса ҳам у табиатни, қушларни, ёруғликни, қуёшни, одамларни жуда яхши кўради. Севгилисига содиқ қиз.

Баймоқ-сотқин, бойлик учун ҳамма ёвузликларға тайёр, ўз манфаатини кўзлайдиган, очкўз персонаж.

Қарға-ақлли, итоаткор, ҳақиқат учун курашувчи, инсонлардаги яхши ҳислатларни қадрлайдиган персонаж.

Автор томонидан персонажларға берилган ички характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рассом-ҳайкалтарош, қўғирчоқ устаси, механизатор ҳамда педагог-режиссёр ҳамкорлигида ташқи умумлашган хусусиятға эға бўлган қўғирчоқ тайёрланиб, талаба қўлиға топширилади. Талаба бу персонажнинг ташқи ҳолатига қараб, унга яна бир марта баҳо бериши керак. Аваз-Ботир қўғирчоқ персонажининг кўзлари ўткир, қирра бурун, кенг елкали, кийими остидан билагидан кучи бўртиб турибди, унинг ташқи кўриниши кучли ва бақувват одамлигини айтиб турибди. Белида камар, елкасида ўқ-ёй осиб олган.

Гули-чиройли, гавда тузилиши жуда нозик, яшил ҳарир кўйлак кийган, юзидан унинг жахлдор сарой қизи эканлиги кўриниб турибди.

Шундай қилиб, ҳар бир персонажнинг ички характериға мослаб, уни ташқи хусусиятларини аниқ топишға ҳаракат қилиш керак. Иш жараёнида эса унинг ички ҳолатини ташқи хусусиятларига мослаб ҳатти-ҳаракат

қилишга ўрганиш, яъни персонаждаги ташқи тана ҳаракатчанлиги унинг ички дунёсидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу жараён образ моҳиятини ва мағзини очишга талабадан бутун маҳорат ва истеъдодини ишга солишни талаб қилади.

VI-Маъруза: ҚЎҒИРЧОҚ ПЕРСОНАЖИНИНГ ҲАРАКАТГА МОЙИЛЛИГИ АДАБИЁТЛАР

1. М. Ҳ. Қодиров “Ўзбек миллий қўғирчоқ театри”. Тошкент. 1979
2. М. Ҳ. Қодиров “Ўзбек халқ томоша санъати”. “Ўқитувчи”. Тошкент. 1981
3. М. Ҳ. Қодиров “Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар”. Т., Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси “Фан” нашриёти. 1993
4. М. Ашурова “Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби”. Тошкент. 2007 й.

Шартли сахнадаги репетиция стол атрофидан тургазиб, қўғирчоқ билан жисмоний ҳатти-ҳаракат қилишга ундайди. Талаба тасвирий санъат асари бўлган қўғирчоқ персонаж имкониятларини аниқлашга киришади. У шартли сахнадаги иш босқичидан қўғирчоқ образини сахнага кириб келишидан, сахнадан чиқиб кетгунча бажарадиган ҳатти-ҳаракатидан хабардор бўлиши ва қўғирчоқ образини ўзига хос пластик ҳаракат йўналишини топа олиш хусусиятига эга бўлиши керак. Шунда иккинчи курс ва учинчи курснинг тўлиқ ўқиш жараёнида иш фақат қўғирчоқ турларини ўрганиш ҳамда уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаш йўллариини ўзлаштиришга бағишланадими деган савол туғилиши мумкин. Спектакл устида иш жараёнида яна қўғирчоқ имкониятларини ўрганиш ва ўзлаштириш масаласи қўйилапти. Нега?

Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: ҳар бир қўлга олинган янги қўғирчоқ персонажи ўзининг характериға қараб, олдинги қўғирчоқ

персонажига мутлақо ўхшамайди, ўхшаш ҳам мумкин эмас. Спектаклда юзта персонаж бўлса, уларнинг ички механик тузилиши, ташқи формаси, ўзига хос характерли хусусияти мавжуд бўлади. Шунинг учун 10 йиллик ёки 20 йиллик иш стажига билан театрда ишлаб келаётган актёр ёки актриса ҳам қўлига тушган янги қўғирчоқ персонажини имкониятларини қайтадан ўрганиб чиқади, ундан кейин у билан сахнада бемалол ишлай олишга муяссар бўлади. Агар шу жараёндан воз кечиб, дарров образ яратишга сакраб ўтадиган бўлса, унда оёғи синган ва қўлтиқ таёқда юрган ногиронга ўшхаб қолади. Актёр қўғирчоқни тўсик устида эркин ҳатти-ҳаракат қилишга ўрганиши ва уни мақсадли амалга оширишдан болаши керак. чунки ҳар бир қўғирчоқ ўзининг техник сабаларига кўра унга алоҳида эътибор билан ёндошишни талаб қилади. Шу талабни эътиборга олиб, иш бошласангиз марра сизники бўлади. Курс талабаларига ҳар бири ўзига тегишли қўғирчоқ персонажларини қўлларига олиб, шартли майдончада унинг имкониятларини текшириб, қўлларини ишлаш учун мослай бошлайдилар.

Ўқитувчи ҳар бир спектакл учун ясалган қўғирчоқ қандай ҳаракат имкониятларига мойил эканлигини талабадан сўраб, унинг ҳаракатларини текшириб чиқади. Шунда шартли майдончада кийик-Наргиза қўғирчоқни бош ҳамда орқа оёқларига уни танасини ушлаб туриш ҳамда кийикни ҳаракатга келтириш учун тутқичлар (тростлар)ни сезади ва синаб кўради. Бош қисмидаги тутқич кийикни бўйнини ҳар томонга эгишга ва бошини ҳоҳлаган томонга буришга ҳамда гавданинг олди қисмини ҳаракатга келтиришга ёрдам беради. Тананинг орқа қисмидаги тутқич эса, унинг оёқларини ҳамда танасини ҳаракатга келтиришга ёрдам беради. Бу тутқичлар кийикнинг ҳаракатига хо чопиб, сакраб юришига ҳам ёрдам беради.

Ўқитувчи-Наргиза, кийикни қандай ҳаракатлар бажара олишини бизга кўрсатиб бер.

Наргиза кийик қўғирчоғи орқали уни юриш-туришини, сакраб, чопиб ўйнашини, ҳамда маълум тўсикқа дуч келиб, тўхтаб, уни кузатишини кўрсатди.

Ўқитувчи-Яхши ҳаракатлар топибсан, лекин топган ҳаракатларингни кийик эмас, сен бажаряпсан. Саҳнада ҳаракат йўналиши кийик пластикадан келиб чиққан ҳолда бажарилиши керак. саҳнада биз кийикни кўрганда, сени тўсиқ орқасида борлигингни унутайлик. Қўғирчоқ театр саҳнасида ҳайвонлар образини яратаётганда, биз уларнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларни изчиллигига эришайлик. Улар циркдаги ўргатилган ҳайвонларга умуман ўхшамаслиги керак. Бажарилаётган ҳаракатлар уларнинг ҳаёт қонуни асосида табиий бўлиши лозим. Шунда сиз саҳнада қўғирчоқ персонажингизни сохта ўргатилган эмас, балки унинг ҳаракатларини табиий чиқишига эришасиз.

Саҳнада ҳайвонлар образини яратишда мана шу қонун-қоидага амал қилган ҳолда ишлашга мойил керак.

Ўқитувчи вазир қўғирчоқ персонажини ҳаракат имкониятларини ўрганаётган Отабекка мурожаат қилди.

Ўқитувчи-Сен ўз қўғирчоғинг ҳақида нималар билиб олдинг.

Отабек-Менинг қўғирчоғим тростли қўғирчоқ тури бўлиб, унинг бош қисмига тутқич ўрнатилган. Бу тутқич қўғирчоқни гавда қисмини ҳаракатга келтириш учун қулайлик яратади. Тутқичда яна иккита механизм ўрнатилган бўлиб, бири бошини ҳар томонга буриш, эгиш учун бўлса, иккинчи механизм унинг лабларини ишлатишга мўлжалланган. Фақат қўғирчоқ оғирроқ экан. Унинг лабини ҳаракатга келтириш учун ўрнатилган механизм яхши ишламаяпти.

Ўқитувчи-Хўш қўғирчоқни қандай ҳаракатларини ўзлаштирдинг?

Отабек қўғирчоқ орқали унинг юришини, ўтиришини, ниманидир пойлаб турганини ҳамда тезлик билан яшириниб олганини кўрсатиб берди.

Ўқитувчи-Биринчидан, қўғирчоғингни ташқи киёфасини оладиган бўлсак, у жуда семиз. Ёши ҳам анчагача борган. Шунинг учун семиз одам бунчалик тез ҳаракат қилишга мойил эмас. Ҳаракат жараёнида унинг ёши ҳам инобатга олинади. Демак, унинг гавда тузилишидан келиб чиққан ҳолда ҳатти-ҳаракат қилиш керак экан. Лаб механизмига келсак, ҳар бирингиз қўлингиздаги қўғирчоқларни бутун сеҳник томонларини яхшилаб кўриб чиқиб, унда камчиликлар бўлса дарров устахонага, яъни қўғирчоқ механизаторига мурожаат қилиб камчиликларини бартараф қилишингиз ва қўғирчоқни эркин ҳаракат қилишига мослаштиришингиз керак.

VII-Маъруза: АКТЁР ТАЛҚИНИДАГИ АСОСИЙ ҲУСУСИЯТЛАР

АДАБИЁТЛАР:

1. Е. В. Сперанские “Актёр театра кукол”. ВТО, Москва. 1986
2. Г. В. Кристи «Воспитание актёра школы Станиславского». Москва. «Издательство» 1978.
3. Н. Ойдинов “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар”. Тошкент “Ўқитувчи”. 1997.

Ижодкор ҳоҳ у актёр ёки режиссёр, ёки қалам соҳиби драматург, ё бўлмаса тасвирий санъат вакили-наққош, уста, рассом, ким бўлишидан катъий назар келажакка умид боғлаб ижод қиладиган бўлса, энг аввало ҳаётни яхши билиши, томошабиннинг дунёсини англай олиши ва ўрганиши даркор. Ҳаёт билан ҳамоҳанг ва томошабиндан анча юрган ижодкоргина ўзининг ижодий ишлари билан эл қалбидан жой олишга мушарраф бўла олади. Шунинг учун театр томошасига келган ҳар бир томошабин сахнада маҳорат билан ижро этган актёр истеъдодидан мамнун бўлиши, спектаклда яратган образлар мажмуасида ўзига керак бўлган томонларни илғаб олиши ва шу билан бирга ундан ўзи учун тегишли хулоса чиқара билиши зарур. Ана шунда ижодкор томошабин олқишига сазовор бўлиб, унинг лойиқ бўлади. Бундай ижодкорларни эл севади ва ардоқлайди. Бу илтифотга сазовор бўлиш ҳамма ижодкорларга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бекорга санъат донишмандлари: “Санъатда биринчи бўл, биринчи бўлмасанг бу соҳани тарк эт”, деб айтишмаган.

Театр санъати деганимизда дарров кўз ўнгимизга етук сахна ижодкорлари Маннон Уйғур, етим Бобожонов, Аброр Ҳидоят, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Яйра абдуллаева, Ойдин Норбоевалар; кўғирчоқ театри санъати деганимизда Тошмуҳаммад Дониёров, А. Саидалиев, Н. Зайниддинов, Владимир иогельсен, Тоҳир Маҳрамов, Исо Ёкубов, Шоҳида Комилова, Фатхулла Хўжаев, Ангела Маҳкамова, Шомурод Юсупов, Муниса Эгамбердиевалар; тасвирий санъат деганимизда Камолиддин Беҳзод, Чингиз Ахмаров, раҳим Ахмедов, Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбековлар сиймоси ва уларнинг санъат йўлида яратган ижодий ишлари гавдаланади. Бу ижодкорлар томошабинлар қалбида бир умрга жо бўлган буюк инсонлардир.

Кўғирчоқ театри актёрини тарбиялашда унинг шу санъатни севиши ва унга содиқ қолишда юқорида тилга олинган санъаткорларнинг шахсий ҳаёти ва уларнинг босиб ўтган ижодий йўллари бўлғуси актёр учун катта ижод мактаби бўлиб хизмат қиладди. Шунинг учун ўқиш даврида, айниқса спектакл

устида олиб бориладиган иш ҳамда образ яратиш жараёнида буюк санъаткорлар ижодий йўлига қайта-қайта марожаат қилиш ва ўрганиш зарур. Етук санъаткорларнинг яратган образлари эртага санъатга мустақил кадам қўяётган ижодкорларга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шунда улар ўз ижодини томошабинга қанчалик қимматли эканлигини англаб олишади. Чунки актёрнинг бутун ижодий фаолияти фақат томошабин билан боғлиқ ҳолда ўтади. Шундай экан қўғирчоқ театри ҳам сахнада яратадиган образлари орқали томошабинни ўз кетидан эргаштириб, уни дунёқарашини шакллантириши ва унинг қалбига эзгулик уруғларини сочиши керак.

Ёш томошабин санъатга илк қадамини қўғирчоқ театрдан бошлар экан, уни театрдан олган биринчи таассуроти бир умрга эсда қолиши ва бу даргоҳни тез-тез қумсаб туриши лозим. Шунинг учун қўғирчоқ театрида биринчи маротаба кўрган спектаклни эслаб, ундаги ўзидаги яхши таассуротни образи ва шу образни яратган актёрни эслашади. Баъзилар эса шу санъат турини ёқтириб, кейинчалик уни ўзига касб қилиб олади. Қўғирчоқ ёки драма санъати бўлимига имтиҳон топширишга келган абитуриентлар кўпинча “Мен Шукур Бурхоновдай ёки Тохир Махромовдай бўламан, шунинг учун шу соҳани танладим”, деган гапларни эшитасиз. Ёки сахнада ижро этилган ҳар хил касбдаги инсонларнинг образини ёш томошабин биринчи маротаба театрда кўриб, у билан танишади. Баъзида унда сахнада кўрган касб эгасига нисбатан қизиқиш уйғонади ва у ўзини шу касбга тайёрлаб боради. Бу эса уни келажакда шу эгаллашига ҳам ёрдам беради.

Демак, театр томошабинни фақат тарбияламай, унинг онгини шаклланишига, дунёқарашини кенгайтиришига, борлиқни жонли образлар орқали кўришига ҳамда келгуси ҳаёт йўлини белгилаб беришида ҳам унга яқиндан ёрдам берар экан. Шунинг учун ҳам бўлғуси актёр ўз касбининг қийматини, унинг моҳиятини тушунган ҳолда унинг олдида тургани катта маъсулиятни англамоғи зарур. Шундай экан у бутун ижодий йўли давомида тинмай ўз устида ишлаб, истеъдодини янги қирраларини ривожлантириб,

иждо поғоналарига кўтарилиб, томошабин олқишига сазовор бўлиб, унинг калбидан жой олиб, санъатда ўз ўрнига эга бўла олади. Ана ўшанда у ўз мақсадига эришган бўлади. Актёр ижоди билан боғлиқ бўлган бу фазилатларни талаба ўқиш жараёнида англаб олиши ва унга амал қилиши даркор.

Талабалар диплом олди ва диплом спектакллари томошабинга намойиш қилганларида, улар ўз актёрлик бурчларини тўғри тушуна боришлари ва томошабин учун фидокорона хизмат қилишга ўрганишлари зарур. Актёр ўз касбига фидоий бўлиб, ўз устида тинимсиз меҳнат қилмас экан, у ўзида бор бўлган истеъдоди билан узоққа бормай, ярим йўлда шамол таъсирида ўчиб қолган шамчирокка ўхшаб қолади. Ана шунда у томошабин назаридан четда қолиб кетади. бу актёр учун кечириб бўлмас фожиа ҳисобланади. Бўлғуси театр актёри санъат соҳасида етук мутахассис бўлиб қолмай, балки у пок ахлоқли, юксак дидли, назарий билимларни пухта эгаллаган, давр руҳини яхши ҳис қила оладиган, болалар ва катталар руҳиятини чуқур англаган юксак маданиятли, замонасининг етук инсони бўлмоғи даркор. Бундай фазилатларга эга бўлган актёргина сахнада ҳақиқий етук, мукаммал образлар ярата олиш қобилиятига эга бўлади.

Шундай қилиб, битирувчи курс талабаларининг тўрт йиллик ўқиш жараёни ниҳоясига етиб қолди. Энди навбат Давлат имтиҳонига. Давлат имтиҳонига барча курс талабалари иштирок этган турли жанрдаги иккита ёки учта спектакл олиб чиқилади. Албатта бу спектаклларда ҳар бир ўзининг серқирра актёрлик имкониятларини очиб берадиган битта ёки иккита ҳар хил характердаги персонажларни образини яратган ҳолда сахнага чиқиш имкониятига эга бўлиши зарур. Битирувчи талабанинг диплом ишидаги ижодий йўли уни келгусида шу санъат соҳасида ишлай олиш даражасини кўрсата олиши шарт. Чунки бугунги битирувчи дипломант эртанги театр актёри. Демак, театрнинг келажаги бу санъат мактабининг ёш иждоқорлар кўлида. Шунинг учун Давлат имтиҳонидаги баҳолаш жараёни бўлғуси актёрларни яна бир бор Шунинг учун Давлат имтиҳонидаги баҳолаш жараёни

бўлғуси актёрларни яна бир бор ижод йўлини кўрсата олиши ва уларга мустақил ҳаётга йўлланма сифатида хизмат қилиши керак.

Битирувчи талабаларнинг диплом иши унинг тўрт йиллик босиб ўтган ижод йўлини белгилаб бериши лозим. Яъни:

1. Бўлғуси актёрнинг маънавий-ахлоқий нормалари;
2. Актёрнинг касбига бўлган муносабати ва фидоийлиги;
3. Актёрлик маҳорати фанидан назарий билимлари;
4. Актёрлик маҳорати фанини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўзлаштириш ва яратиш жараёнида ундан тўлақонли фойдаланиш;
5. Театр қўғирчоғининг барча турлари билан юқори даражада ишлай олиш хусусиятлари;
6. Овозни ҳар хил йўсинда ишлата билиш-сахна нутқи техникаси ва сахна нутқи маданияти;
7. Актёрни сахнада ўзини бошқара олиш ва тутиш этикаси;
8. Спектакл ансамблини ҳис қилиш ва шу ансамбль доирасида ижод қила олиш каби фазилатларни умумлаштирган ҳолда баҳоланиши лозим бўлади.

Юқорида қайд қилинган қўғирчоқ театри актёрига хос хусусиятларни баҳоланиши бу бўлғуси ижодкорларни ижод йўлини тўғри кўрсата олиш ҳамда уларга катта мустақил ҳаётга йўлланма бериш билан баробар бўлмоғи лозим.

VIII-Маъруза: ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА ОБРАЗ ЯРАТИШ ЖАРАЁНИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Е. С. Деммени “Призвание кукольник”. “Искусство”. Ленинградское отделение. 1986.
2. Е. В. Сперанские “Актёр театра кукол”. ВТО, Москва. 1986
3. Қ. У. Хўжаев “Сахнага йўл”. Тошкент. 1982.

4. А. С. Сайфутдинов “Адабий асар ва ижрочилик мактаби”. “Фан” нашриёти. Тошкент. 1980.

Талабалар бу йўналишда кўғирчоқ театрида сахнавий образ яратиш жараёни билан танишадилар. Актёр тўсик ёки кўғирчоқ оркасида (кўғирчоқ турига боғлиқ) яширинган ёки кўринмаган ҳолда ўзининг ички ва ташқи хусусиятларини кўғирчоқ персонажга ўтказиб, уни ташқи формаси орқали яхлит, мукамал образ яратади. Демак, кўғирчоқ театрида томошабинга образни талқинини етказиб берадиган актёр-бу сахна кўғирчоғидир. Албатта бу нарса айнан шу санъатга хос хусусият. Кўғирчоқ театрида образ яратиш жараёнида икки мактаб вакили учрашади. Бири жонли актёр-кечинма санъати вакили, иккинчиси тасвирий санъат асари, яъни жонсиз кўғирчоқ кўрсатиш санъати вакилидир. Булар ижод жараёнида учрашиб, бири яратувчи, иккинчиси кўрсатиш имкониятлари орқали сахнада образ сифатида намоён бўлади. Демак, актёр образига фақат ролнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бормасдан, энг аввало кўғирчоқнинг ташқи хусусиятларига эътибор қаратиши лозим. Шунда у ширмадаги кўғирчоқ актёри фикрини баён эта олади. Демак, образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг ташқи қиёфаси ва автор томонидан унга берилган аниқ характер, яъни унинг келиб чиқиши, фаолияти, хулқ-атвори, идроки, қобилияти, интилиши ва шунга ўхшаш хусусиятлари инобатга олинади. Образларга характеристика бериш жараёнида талаба ўзи сахнага олиб чиқадиган персонажнинг хулқ-атвори, унинг атрофдагиларга муносабати, етакчи ҳатти-ҳаракатини ва олий мақсадини аниқлаб олиш зарур. Шунда образ талқини тўғри ва аниқ бўлиб чиқади. Мисол: “Сехрли кийик” спектаклининг қаҳрамони Хасан-пъесанинг бошланишида камбағал, раҳмдил, оқ кўнгил, ёрдамини аямайдиган, ҳалол меҳнат орқали кун кечириб келаётган бўлса, асарнинг иккинчи қисмида у шафқатсиз, фақат ўзини ўйлайдиган, енгил йўл билан бойлик орттириш пайига тушган, бойлик учун дўстини сотадиган, худбин бир инсон сифатида намоёт бўлади.

Спектакл бошланишида Хасан камбағал бўлишига қарамасдан, йўлдан топиб олган биттаю-битта тангасини қопқонга тушиб қолган кийикни кутқариш учун овчига беради.

Хасан кийикка: “Энди сен озодсан”-деб уни қўйиб юборади. Кийик ҳаётини асраб қолган Хасанга сеҳрли қўғирчоғини совға қилади. Спектакл охирида кийик унга: “Хасан сенинг ҳамма нарсанг бор, энди менга қўғирчоқчани бер ва мени қўйиб юбор”-деганда, Хасан унга “Мен сенга сеҳрли қўғирчоқчани бермайман, у меники. Сен эса менинг қулим бўласан”-деб жавоб беради.

Кийик спектакл бошида беғубор, ишонувчан, одамларни кадрлайдиган, яхшилик қилган инсонга қўлидан келгани яхшилик қиладиган, оқ кўнгил бўлган бўлса, асар охирида у одамларга нисбатан ишончини йўқотган, эҳтиёткор, қатъиятли, керак бўлганда жазолаш ҳам мумкин бўлган образга айланади. Спектакл охирида Хасан ўз айбини тушуниб етади, сеҳрли кийикдан кечирим сўраб: “Мени ташлаб кетма, сеҳрли кийик”-деб ёлворилишига қарамай, кийик: “Энди кеч бўлди Хасан, мен сен билан қололмайман, чунки сен бойлик учун дўстингни сотдинг, мен сенга энди ишонмайман ва сени ҳеч қачон кечирмайман”-деб Хасанни ташлаб кетиб қолади.

Демак, образ яратиш жараёнида персонажларнинг характериға хос хусусиятлар спектаклида аста-секинлик билан уларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳаётда тутган ўрни, атрофдагиларға билдирган муносабати ва ҳар бирининг мақсадға эришиш йўлида қилган ҳаракатлари асосида кечади. Улар персонаж характери, унинг халқ-атвори, ҳатти-ҳаракатининг ўзгариши, спектаклида рўй берадиган қарама-қаршиликлар орқали очилади. Спектакл бошланишида ким ва қандай инсон эканлиги, спектаклнинг охирида ким ва қандай инсон бўлиб қолганини биргина образ орқали ўз талқиниға эға бўлади.

Спектакл инсонлар ҳаёт давомида ўзгариб яхши ва ёмон одамларға ажралиши ҳолатини кўрсатиб беришға қаратилади.

Қўғирчоқ образининг характери унинг ташқи пластикаси, ҳатти-ҳаракати орқали очилади, образга топилган мағиз (зерно) шу инсоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама очиб беришга олиб келади. Бу ҳақда Е. Деммени шундай деган эди: “Менимча, қўғирчоқ қўғирчоқлигича қолиб, кенг инсоний ҳис-туйғуларни етказиб бера олиши керак”¹.

Демак, қўғирчоқлар ўйнида қўғирчоқ спектаклларининг ютуғи бўлиб қолади. Қўғирчоқ театри сахнасида яратилган образларнинг тўлақонли чиқиш қўғирчоқ ўйнига боғлиқлиги билан белгиланади. Спектаклнинг сифати эса қўғирчоқ актёрининг маҳорати орқали аниқланади.

Республика қўғирчоқ театрида қўйилган “Иссумбоси” спектакли актёрлар ўйинига бой бўлган томошабоп спектаклдир. Бу спектаклдаги бош қаҳрамон Иссумбоси образини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса М. Эгамбердиева қўғирчоқ ўйнида жуда катта ютуқни қўлга киритган. Унинг Иссумбоси қўғирчоқ персонажи фақат қўғирчоқ театри сахнасида содир этилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларни ижро этган. Яъни бу персонаж қовоқда туғилишда вояга етгунда япон “ушу” спорт турининг бутун қирраларини оча олган. У шу спортга хос бўлган хусусиятларни икр-чикиригача қўғирчоқ пластикасида, яъни қўл, оёқ, гавда ҳаракатларида чаққон ва аниқ кўрсата олган. Томошабинлар кўз олдида қўғирчоқ эмас, балки кичкина одамча ҳаракат қилаётганга ўхшаб кетади. қўғирчоқнинг ҳаракат пластикасида болаликдан вояга етган ўспириннинг ўсиш даври ҳам бу образда ўз аксини топган иссумбоси образининг болаларга хос шўхликлар ҳаракатчанлиги, тиниб-тинчимаслиги, жўшқинлиги унинг ёшлигини акс эттира олган бўлса, босиқлик, севгига садоқат, ота-онага меҳр образнинг балоғат ёшига тўғри келади.

Атрофдаги персонажларни ҳам ўз кетидан эргаштира олгани бу образнинг энг асосий ютуғидир. Қолган образлар ҳам спектакл жараёнида унинг ҳатти-ҳаракатига эргашишади.

¹ Деммени Е. “Искусство”. 1986 г. Стр. 110.

Шундай қилиб, бу спектакл кўғирчоқ персонажларининг ранг-баранг ўйини билан муваффақиятли чиқиб, Республика кўғирчоқ театри VI анъанавий фестивалда томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунинг учун спектакл яратиш жараёнида бошқа чироқ, декорация, мусиқа кабилар билан бирга асосий диққатни актёрнинг ўйинига керак бўлади. Бошқача айтганда, кўғирчоқ театри актёри шу соҳага хос хусусиятлар билан бирга бошқа (одамий) театр хусусиятларига ҳам эга бўлиши зарур. Чунки бу хусусиятлар бир вақтнинг ўзида сахнада бир нечта образ яратиш имконини беради.

Яратилган образлар ҳар хил ҳаракат, ранг, ҳар хил персонажни ифода этиш, уларни овоз диапозонига хос сўз ҳаракатларини топа олиш, кўғирчоқни ҳис қилган ҳолда ўзини у орқали кўрсата олиш характериға эга бўлиши керак. “Сехрли кийик” спектаклида талаба С. Шарипова икки хилдаги кўғирчоқ тури ҳамда характер жиҳатидан бир-бириға ўхшамайдиган икки хил образни битта спектаклда яратишда муваффақ бўлди. Бу образнинг бири эрка, тантиқ, ўжар, танноз Малика Будур (тростли кўғирчоқ) бўлса, иккинчиси ақлли, доно, фаҳм-фаросатли, босиқ, фақат эзгуликка чорлайдиган Сехрли товус (ниқоб) образлардир.

Талаба бу образларнинг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида пластик ҳаракат ва унга монанд овоз топа олди. У Будур образида тўсиқ орқасида яширинган ҳолда кўғирчоқнинг имкониятидан келиб чиққан бўлса, Сехрли Товус образини ниқоб кийган ҳолда ижро этди. Бу образни талқин қилишда талаба ниқобнинг ташқи қиёфасидан, ўзининг тана ҳаракатларини унга бўйсундирган ҳолда ҳаракат қилди. Спектаклда бир вақтнинг ўзида бир нечта образ яратиш ҳам шу санъатнинг характерли хусусиятларидан биридир.

Образ яратиш жараёнида актёр кўғирчоқ персонажининг ташқи кўриниши ва характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўғирчоққа хос овоз ҳамда сўз характеристикасини топиши керак бўлади. Демак, образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг ташқи пластик ҳаракати қанчалик зарур

бўлса, овоз ҳамда сўз характеристикаси ҳам шунчалик аҳамият касб этади. Образ устида ишлаш жараёнида кўғирчоқ персонажининг ниқобидан, унинг ташқи ва ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда унга овоз жарангини топиш ва уни берилган образга мослаштириш ва образни нутқий характери яратишга эришиш керак. Томоша зали ва тўсиқнинг борлигини ҳисобга олган ҳолда, кўғирчоқни тана пластик ҳаракатини ва нутқини ифодалашда ундаги характерли хусусиятларни топиб, сўзни асосий мақсадга асосланган ҳолда баён қилиш лозим. Актёр сўз орқали образнинг ички моҳиятини томошабинга айта олишга қодир бўлиши даркор. Спектаклнинг ҳаёти ундаги образларнинг тўлақонли чиқишида образни яратувчи талабанинг ишонарли, таъсирли, мақсадга мувофиқ гапира билиш маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Спектакл яратиш жараёнида талаба сахна декорацияси, безаклари, нур, бутафория, мусиқа, шовқин, ширмадаги уч планлик ҳамда спектаклнинг бошқа компонентлари билан танишади. Спектакл яратиш жараёнида ижодий коллективнинг роли беқиёсдир. Чунки ҳар бир талаба бу жараёнда актив иштирок этиши ва сахна қонун-қоидаларига амал қилиши зарур. Партнёрни ҳис қилиш, унга елка тутиш ва ёрдам бериш принципларига амал қилиш лозим.

Қисқача қилиб айтганда, диплом олди спектаклини педагог-режиссёр, рассом, кўғирчоқ устаси, актёрларнинг ижодий бирлиги, уларни ҳамфикрлиги ҳамда ҳамкорлиги билан биргаликда яратилади.

Олтинчи босқичнинг якуний рейтингида сахнада яхлит диплом олди спектакли кўрсатилади.

Спектаклда ҳар бир талаба кўғирчоқ персонажи орқали тўлақонли образ яратиш имкониятига эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда курс талабалари кўғирчоқ персонажининг ҳаракатга мойиллиги, этюднинг спектакл яратишдаги ўрни, кўғирчоқ театрида образ яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда талаба спектаклда ўзи яратган образнинг тўла ёзма таҳлилини ёзиши ва шу босқичда ўтилган темалар юзасидан назарий тест синовларини топшириши шарт.

Х-Маъруза: ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРИНИНГ ЭТИКАСИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Ю. Калашников “Театральная этика Станиславского”. ВТО. Москва. 1978.
2. “Ўзбек педагогикаси антологияси”. “Ўқитувчи”. Тошкент. 1995.
3. Э. Ф. Исмаилов «Маннон Уйғур». Тошкент. 1983.
4. А.Хидоятлов “Санъаткор ҳақида, таржимаи ҳол, шахсий иншолар, мақолалар, хотиралар”. Тошкент. 1985.

Мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Исо Ёқубовнинг ўзи сахналаштирган ва ўзи актёр сифатида ўйнаган Андерсен “Оле лукое” спектаклини томошабинга кўрсатишдан олдин унга тайёргарлик кўрганини кузатганман. У театрга спектакл томошабинга намойиш қилишидан бир соат олдин келиб, сахнада спектакл учун керак бўлган барча анжомларни кўздан кечириб чиқди. Сўнг ўзи ўйнатадиган қўғирчоқ персонажини кўлига олиб ролни бутун сўзларини ҳаракатда текшириб чиқди.

Қўғирчоқ театри санъатининг этик актёрнинг нормалари, ахлоқий талаблари қуйдагилардан иборат бўлиши керак:

- актёр биринчи навбатда театр санъати тарихини, қўлга киритган ютуқларини ўрганиши, анъаналарига содиқ қолиши, шу соҳани ривожлантириш йўлида тан олиш;
- кккелажакка ишонч билан қараб, шу санъатни янада раванк топиши учун ўз куч истеъдодини аямаслиги;
- ўтган ижодкорларини театр санъатида қилган ишларни ўрганиши ва татбиқ этиши;
- ҳаётда юз бераётган, санъат соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш;
- К. С. Станиславскийнинг айтганидек-“Сен санъатдаги ўзингни эмас, балки ўзингдаги санъатни сева билгин”, деган ҳикматига амал қилиши;

- Барча инмоний одоб-ахлоқ нормаларига талабалар тўла риоя қилиши;
- Илм-фан, санъат, маданият ютуқларидан хабардор бўлиш, ўрганиш ва тарғиб қилиши;
- Инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини илгари суриши, ўз эътиқодига эга бўлиши;
- Ўз касбига содиқ ва фидойий инсон бўлиши;
- Санъат моҳиятини аниқ тушуниши ва маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ижод қилиши;
- Тажриба тўплаши ўз устида тинмай ишлаши, малакасини ошириши, мукаммал образлар яратиш имконига эга бўлиши лозим;

Бўлажак ижодкор актёр ахлоқий талабларга ўқиш ва иш жараёнида амал қилса, келажакда ажойиб инсон ҳамда яхши актёр бўлиб етишиши мумкин. шунда жамиятга фойдаси тегадиган илғор фикрлар куйчиси, мукаммал асарлар яратувчиси бўлиши мумкин. жумладан, К. С. Станиславскийнинг фикрича “Ҳаётда мешчанларча яшаб, сахнада буюк инсонларни образини яратиш жуда қийин...”

Актёрлик маҳорати соҳаси бўйича устозим Турсунбой Исроилов берган ўғитлари ҳар доим қулоғим остида жаранглаб туради. “Инсон ўзидаги камчиликларидан бири тўла халос бўлиши қийин. У ўз камчиликларини аста-секин бартараф қилишингиз ва яхши ҳислатларни тарбиялаб боришингиз лозим. Фақат шунда биз яхши инсон ҳамда яхши ижодкор бўлиб етишингиз мумкин”, деб таъкидлар эдилар.

XI-Маъруза: САҲНАВИЙ ТАЛҚИН ВА ТОМОШАБИН

АДАБИЁТЛАР:

1. Г. В. Кристи «Воспитание актёра школы Станиславского». Москва. «Издательство» 1978.

2. Б. Е. Захава “Мастерство актёра и режиссёра”. “Просвещение”. Москва. 1978.
3. “Путеводитель по музею Государственного ордена трудового красного знамени ЦТК под руководством народного артиста С. В. Образцова”. “Искусство”, Москва. 1982.
4. “Путеводитель по музею Государственного ордена трудового красного знамени ЦТК под руководством народного артиста С. В. Образцова”. “Искусство”, Москва. 1980.

Актёрни ҳар томонлама шаклланишида ишлаб-чиқариш амалийти катта тарбиявий аҳамият касб этади. Бу жараёнда талабалар ўқув театрида диплом олди ва диплом спектакллари кенг томошабинларга намойиш қилишади. Талабалар спектаклни намойиш қилиш жараёнида театр ва актёр ижодида томошабиннинг ўрни ва моҳияти қандай кучга эга эканлигини англаб олишади.

Демак, диплом олди ва диплом спектаклини томошабинларга намойиш қилиш жараёнида спектаклда талабалар яратган ҳар бир образ талқини томошахонада ўтирган болаларни бутун фикру ҳаёлини, ўйларини қамраб олиб, ўз даврига олиб кириш кучига эга бўлиши керак. спектакл бир соат давом этадиган бўлса томошабин шу бир соат мобайнида актёрлар билан биргаликда спектакл замониға саёҳат қилиб, унинг вақти билан яшаши лозим. Бунинг учун талабалар яратган ҳар бир образ талқини томошабинларни қамраб олиши, қўғирчоқ персонажи пластикасидаги ҳатти-ҳаракатлар томошахонанинг охири қаторида ўтирган томошабингача етиб бориши, актёрнинг ҳар бир айтилган сўзи унинг дил тўридан жой олиши лозим. Яъни образ моҳиятини, унинг аниқ мақсадини томошабинга етказа олиш кучига эга бўлиши керак.

Қўғирчоқ театри спектакллари кўпчилиги томошабин билан мулоқотда ўтади. Репетиция жараёнида талаба бўш томоша зали билан мулоқотда бўлишига тўғри келади. Спектакл намойиш қилиш пайтида

томошахонада 200-250 томошабин ўтирган бўлади. Албатта ҳар бир томошабинни томоша қилаётган спектаклга ўз тушунчаси, ўз қараши ҳамда қабул қилиши бўлади. Шунинг учун мулоқот жараёни ҳам ҳар хил тус олиши турган гап. Бу жараён тажрибасиз актёрга жуда кўп қийинчиликлар туғдиради. Чунки у ҳар доим тўсиқ ёки қўғирчоқ орқасида яширинган ҳолда бўлади. Унинг кўзлари томошабин билан тўқнаша олмайди. У фақат қўғирчоқ персонажи орқали томошахонада содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларни илғаб, улар орасида қайси бирининг тўғри муносабат билдирганини англаб, сўнг айнан шу томошабинга жавоб қайтаради. Актёр томонидан нотўғри англаган фикр спектакл йўналишини бошқа томонга олиб чиқиши мумкин.

Рассом-ҳайкалтарош эскизлари устида ишни охирига етказгандан кейин иш тўлиқ ҳолда кафедра мажлисида тасдиқдан ўтади. Ундан кейин, декорация ва қўғирчоқ персонажларини тайёр ҳолга келтириш учун эскизлар қўғирчоқ яшаш устахонасига топширилади. Бу ишни амалга ошириш жараёнида биринчи рассо-ҳайкалтарош, иккинчи қўғирчоқ устаси, учинчи механизатор, тўртинчи яна қўғирчоқ устаси, бешинчи тикувчи, олтинчи бутафорлар қатнашишади.

Демак. Рассо-ҳайкалтарош қўғирчоқ персонажларини ташқи характериға хос бош қисмини қолипни ясайди. Тайёр бўлган қолипларға қўғирчоқ устаси ишлов бериб, уларни меъёриға етказди. Ундан кейин қўғирчоқни тайёр ҳолдаги бош қисмларни механизатор олиб қайси бир персонажнинг оғзи, мўйлови ёки қоши ҳаракатға келтириш учун мўлжалланган бўлса, шунга қараб уларнинг ҳар бириға механизм ўрнатади. Ўрнатилган механизм талабалар қўлиға мос тушиб, ишлаши учун енгил қулай бўлиши лозим. Механизмлар ўрнатилган қўғирчоқнинг бош қисми яна қўғирчоқ устасиға берилади. У тикувчи билан ишни охириға етказди. Қўғирчоқни тайёрлаш жараёнида курс талабалари актив қатнашадилар. Ҳар бир талаба ўзи ўйнатадиган қўғирчоғини қандай ясалиши, унга ўрнатилган механизмларни бошқариш жараёнидан хабардор бўлса, кейинчалик спектакл

устида ишлашда қўғирчоқни бошқариш енгил кечади. Чунки талаба унинг барча техник имкониятларидан хабардор бўлади.

Спектакл декорациялари ўқув театри устахонасида дурадгор уста томонидан ясалади. Қўғирчоқ театри сахнаси учун ясаладиган декорациялар драма, мусиқали драма, опера ва балет театрларини декорацияларига ўхшаган катта эмас, балки қўғирчоқ театрининг сахнасига мўлжалланган енгил кичик ҳажмда бўлади.

Қўғирчоқ театри учун тайёрланадиган бутафорлар, персонаж сифатида бўлса, уларнинг ташқи тузилиши ҳаракат қилишга мойил бўлиши лозим.

Мисол учун, Бухоро театрининг “Мен ўз уйимни излайман” (режиссёр Г. Алиева) спектаклидаги “Чигит” образи персонаж сифатида спектаклда бош ролни ижро этади. Шунинг учун унинг ҳаракат қилиш қобилятини инобатга олган ҳолда “чигит”га кўз, бурун, оғиз ва қўллар ясалган. Театрнинг ёш актрисаси А. Вордашева ижросидаги бу образ Республика қўғирчоқ театрининг анъанавий VI фестивал қатнашчиларини бефарқ қолдирмади. Актриса томонидан тўлақонли ижро этишга ёрдам берди. Бу образ талқини учун А. Вордашева “Энг яхши ижрочи” деган совринга сазовор бўлди. “Чигит” образини тўлақонли чиқишида албатта рассом билан қўғирчоқ устасининг меҳнати мақтовига сазовордир. Чунки “чигит” сахнада пайдо бўлганда, у ҳали ҳаракат қилишга улгургани ҳам йўқ, лекин унинг ташқи тузилиши томошабинларда кулги уйғотиб, қалбини қандайдир илиқ ҳислар эгаллайди. “Чигит” сахнага кириб келиши билан томошабинлар уни қарсақлар билан қарши оладилар. Демак, қўғирчоқ театрида образ яратиш жараёнида актёр билан рассом ва қўғирчоқ устаси тегма-тенг ўзида маъсулиятни ҳис қилар экан. Шунинг учун қўғирчоқ мутахассисларининг шундай ибораси бор: “Актёр тўсиқ орқасида қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг қўлидаги қўғирчоғи ҳаракатга мойил эмас экан, у сарф қилган кучини 60% ҳавога кетади”. қўғирчоқ театрини, ўз касбига айлантириш ва етук мутахассис бўлиш ва шу санъатнинг бутун сирларини ўрганиш учун келган талабалар ҳам спектакл яратиш жараёнида ўқув устахоналарида рассом,

қўғирчоқ устаси билан биргаликда ишлаб, соҳанинг бутун сир-асрорини ўрганиши лозим.

Ўқув устахоналарида спектакл яратиш учун декорациядан тортиб қўғирчоқ ва ҳар хил керакли анжомларни ясаш ва яратиш жараёнида курс талабаларининг актив иштироки уларнинг ўзи танланган соҳага ўта маъсулият билан қарашга, қийинчиликларга бардош беришга ҳамда касбига жиддий ёндашиб, уни кадрлашга ўргатади.

Ҳеч ким, ҳеч қачон ўзи яратган нарсани ўзи бузишга журъат этолмайди. Бу жараён худди китобхонани китобини авайлаб ўқишга ўхшаб кетади. Чунки китобни қанча авайлаб асрасангиз, ундан шунча кўп китобсеварлар баҳраманд бўлади.

Устахоналарда яратиладиган спектаклларга ҳам китоб ибораси тўғри келади. Чунки яратилган қўғирчоқларни курс талабалари битириб кетгандан кейин курс талабалари фойдаланиши мумкин бўлади. Тўлиқ спектакл сифатида ёки шу спектаклдан курс иши учун олинадиган лавҳаларда ҳам қўллаш мумкин. устахонада авайлаб асралган ҳар бир қўғирчоқ, анжом ёки декорациялар бу бўлимнинг эртанги куни ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз қўғирчоқ театри санъати бўлимида спектакл яратиш жараёнида фақат режиссёр билан актёр қатнашмасдан, спектакл тақдирини ҳал қилишда рассомга ҳам кўп нарса боғлиқлигини англадик. Спектаклга персонажларнинг рассом-ҳайкалтарош етказиб берар экан, рассом ижодий жараёнини ҳал қилишда бевосита ўз ўрнига эга. Бу билан театр соҳасида режиссёр билан рассом бир хил қадам ташлайди, деган фикрга келиш мумкин. Шу сабабли бу соҳа вакиллари кўпинча қўғирчоқ театрида ким бирламчи, режиссёрми ёки рассомми деган саволларни ўртага ташлаб, унга жавоб излашади. Бундан чикди Немирович Данченконинг “саҳнага гиламча ташлаб, иккита актёрнинг чиқишидан томоша бошланади”, деган ибораси қўғирчоқ театрига тўғри келмас экан.

Қўғирчоқ театри саҳнасига ўнта гилам ёзсангизу, битта тасвирий санъат асари қўғирчоқ бўлмаса, ҳеч қандай томоша тўғрисида ўйлашни ҳам,

гапиришни ҳам кераги йўқ. Демак, талабалри ўқув устахоналарида қўғирчок персонажларини тайёрлаш жараёнига актив қатнашиши билан бирга педагог режиссёр билан пьеса таҳлили жараёнини ҳам давом эттиришлари керак.